

Biznes-Эксперт

№ 1, 2019

МУСУНИЛАШТИРИШ

МОЛИЯ

КИММАТЛИ ҚУБУЛАР

ИЛМИЙ ТАМАК



УШБУ СОН МАВЗУСИ:

Мамлакат ижтимоий-иқтисодий тараққиётини юксалтиришда кичик бизнеснинг кенг имкониятларидан самарали фойдаланиш йўллари

3



ТЕМА НОМЕРА:

Формирование и развитие управления инновационным предпринимательством

88



ПРИВАТИЗАЦИЯ

БИЗНЕС

СЕРВИС БУКАР

КАРОВАТ ВАҚИФИ

ДИҚҚАТ!

"Biznes-Эксперт" газетаси рақ. № 10000
Ташкент, № 14900 йилнинг 01.01 йил 8 август
қўлига олишга боғлиқ бўлади.
"Biznes-Эксперт" газетаси ҳафтасига икки
қўлига олишга боғлиқ бўлади. Ўзбекистон
ФАС (ФАС) газетасида ўқиниш вақти
қўлига олишга боғлиқ бўлади.

ВНИМАНИЕ!

Сўраш вақтида "Biznes-Эксперт" газетаси
қўлига олишга боғлиқ бўлади.
Қўлига олишга боғлиқ бўлади. Ўзбекистон
ФАС (ФАС) газетасида ўқиниш вақти
қўлига олишга боғлиқ бўлади.

Мундарижа

Иқтисодиёт

Сулейбон АБДУЛЛАЕВ. Мамлакат ижтимоий-иқтисодий тараққиётини юксалтиришда кичик бизнеснинг кенг имкониятларидан самарали фойдаланиш йўллари 3

Кун нафаси

Илҳомжон УМАРОВ. Тадбиркорлик асосида фаоллат курсатишнинг янги шакллари ва улардаги ўзгаришлар 8

Экспорт

Зояир СОДИҚОВ. Экспорт тараққиёти миаллий иқтисодиёт жаҳон бозорига интеграциялашувнинг асосий омил сифатида 13

Тадқиқот

Моҳиғул КУТБИТДИНОВА. Эркин иқтисодий зоналарнинг моҳияти ва имкониятлари 17

Нуқтани назар

Шоҳиста МУРАТОВА. Саноат тармоқлари фаолиятини экологик мувофиқлаштириш экспорт салоҳиятини оширишнинг омил сифатида 22

Бухгалтерия ҳисоби

Насиба ИМАМОВА. Импорт операциялари ҳисобининг услубий асослари 26

Аудит

Кобил МИРЗАЕВ. Маркетинг аудити – корхоналар бозор фаолиятини стратегик назорат қилиш усули 31

Хориж тажрибаси

Икром НАСИМОВ. Ўзбекистонда транспорт хизматлари курсатишда жаҳон тажрибаси усуллариини куллашни такомиллаштириш 34

Жараён

Нилуфар БОТИРОВА. Инновацион иқтисодиёт шаклланиши шароитида Ташкент вилояти саноати ривожланишининг ўзига хос хусусиятлари 37

Аграр соҳа

Камолдин СИРОЖИДДИНОВ, Раҳимахон БОТИРОВА. Агромаркетинг – қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчилари фаолияти самарадорлигини оширишнинг муҳим омил 41

Инвестиция

Нарзулло ОБЛОМУРОДОВ. Қишлоқ хўжалигини модернизациялашга инвестицияларни жалб этишни кенгайтириш истиқболлари 44

Бугуннинг гапи

Жонибек ФАРМАНОВ, Жамшид ҚОДИРОВ. Қишлоқ хўжалигини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тадбирлари 48

Таҳлил

Фарида РУСТАМОВА. Мени сибирини шу еттиштириш ва экинлари қалмиги шакллари 51

Нигоҳ

Бекзод ШОДИЕВ. Қорини қилгани қароғини ривожлантиришда қилувчиларини қилгани фойдаланиш 54

Назария ва амалиёт

Тулкинжон ДАДАБОЕВ, Бахтияржон МУЛЛАБАЕВ. "Ўзбекистоннинг иқтисодий аҳоли бўлагини қордоқлар фойдаланиши" эконометриқ таҳлили 57

Таълим ва тараққиёт

Дишод ПУЛАТОВ, Зафар ХУРАТОВ. Таълим муассасалари қилгани қилгани таълим муассасаларининг қилгани қилгани мустақиллигини ошириш 61

Тажриба ва самара

Раҳман САЙДАҚУЛОВ. Оқибатини ривожланишининг қилгани қилгани тенденциялари 64

Сугурта

Мутабархон УМУРЗАҚОВА. Ўзбекистонда тиббий сугуртанинг шаклланиши шарт-шароитлари ва ривожланиши омилилари 68

Ислоҳот

Акрам ЯДГАРОВ. Сугурта-аграр саноат мажмуи қордоқлари қилгани қилгани ҳимоялашининг муҳим қилгани қилгани 73

Туризм

Хуснора ХОЛДОРОВА. Ўзбекистонда меҳмонхона қилгани қилгани ривожланиши 76

Муносабат

Зулфия ТУЛАНОВА. Амир Темури ва таъриқлар иқтисодий қилгани қилгани муносабатлари 78

Содержание

Аналитика

Баходир РАХМАНОВ. Анализ инвестиционной деятельности Узбекистана на современном этапе 81

Тема дня

Гавхар ХАМДАМОВА. Формирование и развитие управления инновационным предпринимательством 88

Взгляд

Уктам ХАИТМАТОВ, Шавкат ДЖУМАНИЯЗОВ, Обиджон АЗАМАТОВ, Аъбор АКРАМОВ. Особенности использования теории нечетких множеств в оценке экономической эффективности инвестиционных проектов 91

Амир Темур ва темурийлар иқтисодий сиёсатида ер-мулкка эгаллик муносабатлари

Зулфия ТўЛАНОВА,
Тошкент Давлат иқтисодиёт университети докторанти (PhD).

Аннотация

Бу мақолада Амир Темур ва темурийлар даврида ерга эгаллик қилиш билан боғлиқ мулккий муносабатлар ва уларнинг турлари доирасида яратилган шарт-шароитлар ҳамда амалга оширилган ислохотлар натижасида мамлакат ижтимоий-иқтисодий ҳаётида рўй берган туб ўзгаришларнинг тарихий аҳамияти атрофлича таҳлил қилинган.

В этой статье автор обратил основное внимание на изучение землевладения, а также социально-экономической жизни страны в результате условий, созданных для владения землей, и условий, созданных в эпоху Тимуридов и Амира Темура.

This article focuses on the study of land ownership, as well as the socio-economic life of the country as a result of the conditions created under the ownership of land during the reign of Amir Temur and the Timurids.

КИРИШ

Инсоният ўзининг кўп минг йиллик тарихи давомида ўта мураккаб ва хилма-хил ижтимоий-иқтисодий тараққиёт йўлини босиб ўтган. Унинг ҳар бир давридаги у ёки бу давлат ривожланишининг иқтисодий омилларини ўрганиш, таҳлил қилиш, тарихий тажрибанинг умумбашарий аҳамиятга молик жиҳатларини танилаб олиб, ҳаётга татбиқ этиш назарий ҳамда амалий нуқтан назардан фойдаландир.

Мамлакатимиз истиқболи ва иқтисодий равнақи йўлида амалга ошириладиган стратегик ислохотлар жараёнида ўтмиш ютуқлари ва сабоқларига таяниш лозим. Республикаимизнинг Биринчи Президенти таъкидлаганидек, "Бугунги куннинг ўткир ва долзарб муаммолари биздан замонавий тараққиётнинг асосий тамойилларини ҳар томонлама чуқур таҳлил этиш билан бирга, инсоният-

нинг яқин-олис тарихидаги бой тажрибасини ҳам теран идрок этишни, шу асосда амалий ҳулосалар чиқаришни тақозо этмоқда, яъни тарих тажрибаси одамзод учун тобора муҳим аҳамият касб этмоқда. Ҳеч бир муболагасиз айтиш мумкинки, ўзбек халқининг кўп асрлик тарихи ҳам ана шундай буюк тажрибалар манбаидир. Бу тарихнинг энг ёрқин ва шонли саҳифаларини ташкил этадиган улуғ аждоғларимиз ҳақида сўз борганда, буюк давлат арбоби ва саркарда, соҳибқирон Амир Темур бобомизнинг ўлмас номини биринчилар қатори тилга олишимиз табиий, албатта. Мана, қарийб етти асрдирки, бу улуғ зотнинг шону шухрати, ҳаёти ва фаолиятига бўлган қизиқиш жаҳоннинг турли мамлакатларида тобора ортиб бормоқда.

МЕТОДОЛОГИЯ

Тадқиқот методологияси сифатида бирлам-

Калит сўзлар: Амир Темур, темурийлар, "Темур тузуқлари", Мовароуннаҳр, ерга эгаллик, мулкчилик муносабатлари, солиқ тизими.

чи ва иккиламчи тарихий манбалардан, маҳаллий ҳамда хорижий олимларнинг нарий ишларидан, уларда қўлланилган усуллардан, жумладан, дедуктив, таҳлил ва синтез ҳамда бошқа усуллардан фойдаланилган.

ТАҲЛИЛ ВА НАТИЖАЛАР

Маълумки, давлат томонидан сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ислохотларни амалга оширишда мулкчилик муносабатлари муҳим роль ўйнайди. Марказий Осиё ҳудудида вужудга келган ва ўз даврининг энг ривожланган сиёсий бирикмалари сифатида майдонга чиққан давлатлар учун иқтисодий жараёнларнинг, чунончи, ер-мулкка эгаллик муносабатларининг нисбатан ривожланганлик даражаси хос эди.

XV асрда Мовароуннаҳр ҳамда Хуросонда ер ва мулкчиликнинг асосан тўртта шакли, яъни мулкки девоний – давлат ерлари, мулк – хусусий ерлар, мулкки вақф – мадраса ва ибодатхоналар тасарруфидаги ерлар ҳамда жамоа ерлари мавжуд бўлган. Деҳқончилик ерларининг энг катта қисми давлат мулкки ҳисобланган. Уларга аввалгидек юртлар ҳукмдорлари – суатон ёки амир эгаллик қилган.

Амир Темур ва темурийлар даврида суюрғол кенг қўлланилган. У Амир Темур давлати ташкил топиши арафасида жорий қилиниб, ерлар ҳажми, шарти ҳамда ер ва ёрликка эга шахсларнинг табақаси жиҳатидан турлича бўлган. Суюрғол ерлари баъзан олий ҳукумат фармонида биноан авлоддан авлодга мерос қолдирилган. Эгасига ўз суюрғоли доирасида амалдорлар тайинлаш, солиқлар ва бошқа тўловларни тўплаш ҳамда айбдорларни жазолаш ҳуқуқи берилган. Шуниси эътиборга лойиқки, улус ноиблиги ёки вилоят ҳокимлигига аксарият ҳолларда шахзодалар ёки хизмат кўрсатган саркардалар ва давлат маъмурлари тайинланган.

Зеро, Амир Темур ерларни, хусусан, фатҳ этилган вилоятлар ва ҳудудларни ўгиллари, набиралари ва хизмат кўрсатган амирларига суюрғол сифатида туҳфа қилиб, мамлакатни улар орқали бошқарарди. Бу хусусда “Темур тузуклари”да қуйидаги жумлаларни ўқишимиз мумкин: “Амр қилдимки, тўнғич ўғлим Муҳаммад Жаҳонгир валиаҳдидир; у вилоят ҳокими бўлиб, ўн икки минг отлик аскар ва уларнинг удуфаларини олсин. Иккинчи ўғлим – Умаршайх ўн минг отлик аскар ва уларнинг удуфасини олсин. У бир вилоятни олсин. Учинчи ўг-

○ МУНОСАБАТ ─

лим – Мироншоҳ тўққиз минг отлик аскарга улуфа олиб, бир вилоятни бошқарсин. Тўртинчи ўғлим – Шохрух етти минг отлик аскарга улуфа олиб, бир вилоятга эга бўлсин”.

Академик В.В.Бартольд ўз асарида Амир Темурни суюрғол асосчиси сифатида эътироф этиб, бундай ер-сув, мол-мулкнинг ўзига хос белгилари-ю берилш тартибларини тарихий маълумотлар ва мисоллар асосида изоҳлаган. Суюрғол ёрлигига эга вилоят ҳукмдорлари марказий ҳокимиятга фақат номигагина қарам бўлиб, амалда деярли мустақил эдилар. Шу боис марказий ҳокимият бу мулкдорлар тобелигини кучайтириш мақсадида гоҳида уларнинг тасарруфидаги ер майдонларини қисқартирар ёки қонуний ҳақ-ҳуқуқларини чеклаб қўярди. Суюрғол эгаси марказий ҳукуматга бўйсунмаса, ўша ҳуқуқларидан ҳам маҳрум қилинар ва унинг вилояти бошқа шахсга олиб бериларди. “Амр қилдимки, – деб ёзади Амир Темур, – агар ўгилларимдан қайси бирови салтанат мартабасига даъвогарлик қилиб бош кўтарар экан, уни ўлдиршига, қўлларини боғлашга ёки мучасидан бирон жойини камайтиришга ҳеч ким журъат қилмасин. Лекин ўз даъвосидан кечмагунча, уни асирликда сақласиналар, токи Худонинг мулкида уруш чиқмасин. Агарда набиралар ёки қавм-қариндошлардан бири менга қарши кўтарилса, уни дарвиш ҳолатига солсинлар (“мол-мулкни тортиб олинсин” маъносига). Салтанатим кўрғонлари бўлмиш амирлар, агар иш устида нифоққа борсалар, уларни мартабасидан туширсиналар ва ерлари тортиб олинсин. Агар давлатга зиён етказгудек иш қилсалар, улар бошқа амирларга тобеъ этилсинлар”.

В.В.Бартольднинг эслатишича, Темур қаттиққўллик билан барчани ўзига бўйсундира олди. Ҳукмдор буйруқларига бўйсунмай, ҳукмига қарши чиққанларнинг ҳолига воё эди. У 1376 йили ўзига итоат этмагани учун жалойирлар қабиласи бошлигини ўлдирди, жалойирларни турли туманларга тарқатиб юбориб, Хўжанд вилоятидаги барча кўчманчиларни йўқ қилди. Ибн Арабшоҳ ҳикоясига кўра, Темур Самарқандда ҳам баъзи амирлар итоатсизлигига барҳам берди. Умаршайхнинг ўгли Пирмуҳаммад буйруқни бажармай, юришга бормагани учун отаси ўлимидан кейин бошқарган Шероз шаҳри билан Форсни ундан олиб қўйди. Бу ишда унга яқин бўлганларни ўлимга маҳкум қилди. Шунга қарамай, Темур жаҳдан тушиб, 1403 йилда Пирмуҳаммадга суюрғолни қайтариб берди.

Темурийлар даврида майдони нисбатан кичик ва ҳуқуқлари чеklangан суюрғол ерлари ҳам бўлган. Улар, одатда, ибрат кўрсатган кичик лавозимли оддий лашкарлардан тортиб, олий ҳукмдорнинг муштазам гвардиясида хизмат қилувчи ҳарбийларга ҳам берилган. Абдураззоқ Самарқандийнинг ёзишича, Шоҳрух даврида Сарахс вилояти – амир Сулаймоншоҳ; Андуҳ ерлари – амир Саййид Аҳмад тархон; Домгон ерлари – амир Саййид Иззуддин Ҳазора Жарибий; Ўзжанд мамлакати – Мирзо Амирак Аҳмад ибн мирзо Умаршайх; Шодмон вилояти – Мирзо Муҳаммад Жаҳонгир ибн Мирзо Муҳаммад Султон; Ҳамадон ҳукумати, Вуружа ва Неҳованд қалъалари ҳамда бутун Луристон – Мирзо Бойқаро; Кобул, Ғазнин, Қандаҳор вилоятларининг барчаси ва Афғонистон, Ҳинд ва Синднинг Мирзо Қайдуга тааллуқли бўлган (баъзи) жойлари билан бирга – Жалолуддин мирзо Суюргатмиш; Хоразм – Шоҳмалик, кейинчалик унинг фарзанди Иброҳим Султоннинг, шунингдек, Фарғона – Мирзо Аҳмаднинг; Тус, Машҳад, Обивард, Нисони ўз ичига олган Хуросон – Бойсунгур Мирзонинг; Кобул, Ғазна ва Қандаҳор вилоятлари Мирзо Қайду Баҳодир суюрғоли ҳисобланарди.

Ер майдонларининг салмоқли иккинчи қисми хусусий ерлардан иборат эди. Йирик мулкдорларнинг катта ер майдонлари ва меҳнаткаш зиротчиларнинг майда пайкаллари ҳам хусусий мулк саналган. Мулк ерларининг аксарияти маъмурий, ҳарбий ва диний арбоблар тасарруфида бўлган.

Амир Темур давлатни бошқаришда мулкчилик муносабатларига жиддий эътибор қаратган. Унинг таъбирича, давлату салтанат уч нарса: мулк, хазина ва лашкар билан тикдир. Бош ҳукмдор томонидан йирик мулкдорларга бирон хизматлари эвазига тақдим этиладиган ер-мулкнинг тархонлик, танҳо ва туюл ёрлиқлари асосида берилиши кенг тарқалган. Шу билан бирга, турли ёрлиқлар асосидаги маош, ер-мулк берилиши ва унумли фойдаланиш тизими назорат остига олинган. “Ҳукм қилдимки, – дея таъкидлайди Амир Темур, – давлат томонидан белгиланган бутун маошларнинг тўлиқ маълумотларини девонбеги ва вазирлар аввал менга билдирсин, сўнгра танҳо берилсин.... Ўнбоши, юзбошиларга маош шаҳар омонлиги хазинасидан ва подшолик мулки даромадидан нақд пул ҳисобида ёзилсин. Мингбошиларга вилоят ичидаги экинзорлардан туюл берсинлар. Амирлар ва амир ул-умароларга эса чегаралардаги вилоятлардан бири

туюл қилиб белгилансин... Қайси амирга туюл берилар экан, уни уч йилгача ўз ҳолига қўйсинлар. Уч йил ўтганидан сўнг уни текшириб кўрсинлар. Агар мамлакат обод, раият рози экан, шу ҳолида қолдирсинлар. Агар аҳвол бунга терс бўлса, уа вилоятни ҳолисага ўтказиб, уч йилгача ўша ер ағасига ҳақ берилмасин”.

Қайд этиш керакки, буюк Соҳибқирон ҳукматга алоқадор ҳар қандай мансаб эгаларидан ўз ишига, хусусан, мулкчилик масаласига тартиб, масъулият ва адолат билан ёндашишларини каттиқ талаб қилган. Аксинча иш тутиб, мол-мулкка зарар етказганларига нисбатан тегишли чоралар кўрилган. Испан элчиси Руи Гонсалес де Клавихо ўз кундалигида вазифасини суниестемол қилган мансабдорлар қандай жазоланганини куйидагича ифодалаган: “Подшоҳ невараларидан бирини уйлантириш учун уюштирган тўйга элчиларни ҳам таклиф этди. Бу умумхалқ сайида бировларга яхшилик қилиб муруват кўрсата олиши ва бошқаларни дорга олиши ҳам мумкинлигини намойиш этиш ниятида хунармандлар ранг-баранг чодирлар тиккан жойда кўп дорлар ҳам қурдирди. Биринчи ҳукм бутун Самарқанд салтанатида бошаниқ ҳисобланган дина, яъни доруға устидан чиқарилди. Темурбек бундан қарийб етти йил бурун Самарқанддан (сафарга) жўнаганда мазкур шахсни доруға қилиб қолдирган эди. Айтишларича, доруға шу давр мобайнида ўз лавозимини суниестемол қилган. Подшоҳ уни ҳузурига чақиртирди, бутун мол-мулкни мусодара қилиб, ўзини шу заҳотиёқ дорга олишни буюрди. Подшоҳнинг жуда катта ишончини қозонган, шундай юксак мавқега эга шахс устидан чиқарилган бундай ҳукмдан бутун салтанат ларзага тушди. Бундан ташқари, подшоҳ узоқ сафарга жўнаганда уч минг отни ишониб топшириб кетган, аммо салтанат мулкни тугал сақлай олмаган яна бир нуфузли шахсни ҳам осиб ўлдиришга буюрди... Подшоҳ шу каби жиноятлар ва бошқа турли-туман кирдикорлар учун (бошқаларни ҳам) жинойий жавобгарликка тортишни буюрди”.

XV асрда ҳам аввалги даврлардагидек катта ер майдонлари ва сугориш тармоқлари, шунингдек, кўплаб дўкон, корхона, тегирмон, обжувоз, бозор, карвонсаройлар масжид, мадраса, хонақоҳ, мақбара ва мазорларга бириктирилиб, улар мулки вақф деб аталган. Меҳнаткаш аҳоли ўртасида эса вақфкор ерлар номи билан юритилган. Табиийки,

Амир Темур ва темурийлар ҳукмронлиги даврида Мовароуннаҳр ва Хуросонда барпо қилинган кўплаб масжид, мадраса, хонақоҳ, мақбара ва шифохоналарнинг барчаси вақф мулкига эга эди. Улардан тушган даромадлар ушбу ишшоотларни таъмирлаш, жиҳозлаш, шунингдек, мутавалли, мударрис, табиб ва талабаларга бериладиган нафақалар ҳамда лангархона (мусофирхона), шифохоналарнинг кундалик харажатлари (озик-овқат, ёқилги ва ёриткичлар) учун сарфланган.

“Темур тузуклари”да баён этилишига қараганда, Амир Темур мусулмон динини ривожлантириш мақсадида саййидлар орасидан энг лаёқатлисини исломга бошлиқ – садр этиб кўтариш, бутун мулки вақфни бошқариш ва назорат қилиш учун муносиб номзод танлаш, шаҳар ва вилоятга қози, муфтий, мухтасиб тайинлаш, шунингдек, диний арбобларга суюрғол бериб, ҳар бирининг вазифасини аниқ белгилаб қўйишни буюрган. Бундан ташқари, азиз авлиёларнинг, дин пешволарининг мазорлари ва мақбараларига вақф ажратиб, керакли шарт-шароитлар билан таъминлашни топширган. Амир Темур ва темурийларнинг замондоши Абдураззоқ Самарқандий ўз асарида мамлакат бўйича ажратилган вақф ерлари, улардан келадиган даромадлар ҳамда шу тушумлар ҳисобидан амалга ошириладиган ишлар ҳақида батафсил маълумотлар берган.

Ўша кезлар зироатгоҳларнинг кичикроқ маълум қисми қишлоқ аҳолисининг умумий тасарруфида бўлган. Бундай ерлар қишлоқ тўплари ёки жамоалари мулки саналган. Агар кимда-ким бу майдонларнинг қаровсиз қисмини обод қилса, кориз курса ёки боғ яратса, солиқ тўловлари бўйича муайян имтиёзлардан фойдаланган. Хароб бўлиб ётган эгасиз ерлар холиса тарафидан обод қилинган. Мабодо, эгаси бўлса-ю, обод қилишга қурби етмаса, унга бу ишни амалга ошириши учун турли асбоблар ва керакли нарсалар берилган. Соҳибқирон фармонига кўра, қаровсиз ерларда коризлар ва ариқлар, дарёлар устига янги кўприклар қурилган, бузилганлари таъмирланган. Йўлдаги ҳар бир манзилгоҳда рабоблар қад ростлаган, йўлларга уларни назорат қилиш, сақлаш ва йўловчилар молларини ўгрилаш ҳолатларининг олдини олиш учун кузатувчилар ва соқчилар қўйилган.

Деҳқончиликка мўлжалланган ерлардан олинган асосий солиқ хирож (ёки мол) деб номланган. Хирож асосан ҳосил етилиб, уни йиғиб-те-

риб олиш вақтида маҳсулот, баъзида пул ҳолида тўланган. Солиқ ҳосилга, ернинг унумдорлиги ва сув билан нечоғли таъминланганига қараб белгиланган. Чунончи, дарё, булоқ ва кориз сувлари билан сугориладиган ерлардан ялпи ҳосилнинг учдан бир қисми миқдоридан олинган. Агар ер эгаси уни пул ҳисобида тўлашга рози бўлса, унда ҳосилнинг учдан бир қисми бозор нархи ҳисобида пулга чақилган. Борди-ю, райят ҳосилни уч қисмга бўлишга рози бўлмаса, шу пайтда ҳисобга олинган ерлар биринчи, иккинчи ва учинчи жариб ерларига ажратилган. Бунда биринчи жарибдан олинган ҳосилнинг уч ҳарвори (бир эшак кўтариши мумкин бўлган юк), иккинчи жарибдан – икки ҳарвори, учинчи жарибдан эса бир ҳарвори йиғиб олиниши буюрилган. Шунингдек, кузги, баҳорги ва ёзги деҳқончиликдан олинган ҳосил деҳқоннинг ўзига қолган. Шу ўринда битта кўшимча: Алишер Навоийнинг “Вақфия” асарида темурийлар даврида ўзига хос тарзда жарибга ажратилган экин майдонлари ва улардан олинган даромадлар ҳақида батафсил маълумотлар келтирилган.

Амир Темур деҳқонларга ҳамда ер-мулкдан фойдаланувчиларга доимо эътиборли бўлган. Уларни оғир аҳволга солишни ман этган, яшаш шароитларини, солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар ундирилиши жараёнларини назорат қилиш учун алоҳида вазирлар тайинлаган. Вақти-вақти билан олимлар ва ҳукумат вакиллари чекка ҳудудларга бириктириб, райят аҳволини ўрганишларини ва ҳақиқий вазият тўғрисида очиқ-ойдин ахборот беришларини талаб қилган. Бу фикримизга Низомиддин Шомийнинг “Зафарнома” асарида олинган қуйидаги парча яққол мисол бўла олади: “Амир Соҳибқирон бир гуруҳ таниқли ва диёнатли олимлардан танлаб, уларнинг ҳар бирини девони аъло томонидан бир амин билан мамлакат чеккаларидан бирига номзод қилди, токи улар тайин этилган томонга жўнаб, мамлакат ишларининг тагига етсинлар, агарда бирорта мазлумга зиён етган бўлса ёки бирон оғирга зўравонлик раво кўрилган бўлса, зарар тиканини мазлумлар оғидан чиқариб, улардан зўрлик билан олинган нарсани исбот қилинса, ўша томонда бўлган хазина молидан уларга қайтариб берсинлар, бўлган аҳволни ёзиб қайтсинлар ва арз иззатгоҳига етказсинлар, токи бундан кейин у (зулм) қондаларини улардан йироқлаштирсинлар. Шунда дур тўкувчи лафздан чиқариб айтди: “То шу вақтгача жаҳонгирлик

— МУНОСАБАТ —

ишларида зур савб ҳаракат қилган, бундан сўнг эса подшоҳона вият жаҳонини бошиқарини аломатларини юқори кўтаришига сарф этилажак. Бундан тараз шумли, ҳар ким иймани билса, бежавотир бизнинг арз пазатгоҳинизга етказсин, ҳар нарсаки, мамлакат ислоҳи унга алоқадор ва мазаумлар бошидан зарарини дафъ этиш унга боғлиқ бўлса, у ҳақда бизга етказишда бепарволик қилмасин, эътиمود ва тўла ишонч билан очик кўрсатсин”.

ХУЛОСА

Агар фойдаланилган тарихий асарлар Амир Темур ва темурийлар даврига оид энг ишончли манбалар эканлигини ҳамда юқорида келтирилган далилларини эътиборга олсак, Соҳибқирон бобомиз нафақат ер-мулк, балки барча иқтимоий-иқтисодий масалалар бўйича ҳам одилона сиёсат юритганининг шохиди бўламиз. Айниқса, давлат ва жамият тараққиётинга, эл-юрт равнақига раҳна соладиган, ҳозир ҳам долзарблигини йўқотмаган

зўравонлик, порахўрлик, мансабини сунистелимоа қилиб, давлат мулкани ўзлаштириш каби илаатларга қарши тиш-тирноғи билан адолатли тарзда курашганини, пиروвардида ўз даврида юксак даражада ривожланган буюк салтанатга асос солганига яна бир бор таъ берамиз.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев худди шуларни назарда тутиб, Олий Мажлис палаталарининг 2016 йил 16 декабрда бўлиб ўтган қўшма мажлисидаги нутқида қуйидаги фикрларни билдирганди: “Халқимиз азалдан юксак кадрларни билдирган, ҳамма нарсадан устун қўядиган адолат туйғусини ҳаётимизда янада кенг қарор топтиришни биз биринчи даражали вазифамиз, деб ҳисоблаймиз. Бу борада буюк соҳибқирон Амир Темур бобомизнинг: “Адолат ҳар бир ишда ҳамроҳимиз ва дастуримиз бўлсин!” деган чуқур маъноли сўзлари ҳар биримиз учун ҳаётий эътиқодга айланиши зарур”.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлис палаталарининг Ўзбекистон Президенти лавозимига киришини таътанали маросимига бағишланган қўшма мажлисидаги нутқи. 2016 йил 16 декабрь. www.mfa.uz
2. И.А.Каримов. Демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш – мамлакатимиз тараққиётининг асосий мезонидир. – Т.: “Ўзбекистон”, 2011 йил, 151-бет.
3. Суюрғол (мўғулча – ниъом, совға) – бирор ҳукмдор (хон, султон, шох) томонидан салтанат олдига кўрсатган алоҳида хизмати учун арқони давлат ёки саркардаларга берилган мол-мулк, ер-сув. www.forum.ziyouz.com.
4. С.Сандқосимов (раҳбар), А.Аҳмедов, Б.Аҳмедов ва бошқалар. Амир Темур жаҳон тарихида. – Т.: “Шарқ”, 2001 йил, 104-бет.
5. Халқаро Амир Темур жамғармаси. Темур тузуқлари. – Т.: “Ўзбекистон”, 2011 йил, 103-бет.
6. В.В. Бартольд. Тамерлан – покоритель Азии. Издательство Ломоносовъ, 2014 год, 28-стр.
7. Абдуразоқ Самарқандий. Матлаи саъдайн ва мажмаи баҳрайн. II жилд, биринчи қисм, 1405-1429 йиллар воқеалари. – Т.: “Ўзбекистон”, 2008 йил.
8. Шаҳар омонлиги хазинаси – фатҳ этилган шаҳар аҳолисидан тўпланган “моли омон” (ўлпон) сақланган хазина.
9. Доруга – шаҳар ҳокими. Б. Аҳмедов. Амир Темур ўғитлари. – Т.: “Ўзбекистон”, 2007 йил, 28-бет.
10. Руи Гонсалес де Клавихо. Самарқандга – Амир Темур саройига саёхат кувдалиги (1403-1406 йиллар). – Т.: “Ўзбекистон”, 2010 йил, 174-бет.
11. Абдуразоқ Самарқандий. Матлаи саъдайн ва мажмаи баҳрайн. II жилд, биринчи қисм. 1405-1429 йиллар воқеалари. – Т.: “Ўзбекистон”, 2008 йил, 12, 19, 194, 377, 475, 477, 528-бетлар.
12. Алишер Навоий. Вақфия.
13. Низомиддин Шомий. Зафарнома. – Т.: “Ўзбекистон”, 1996 йил, 369-370-бетлар.